

O'zbekiston Respublikasi
Andijon viloyati
MChJ shaklidagi «Marhamat-Audit»
auditorlik tashkiloti
170100, Andijon shahar, Navoiy shox ko'cha,
8- uy
Tel: 223-49-46, 223-48-96,
+99891613-10-59
E-mail: marhamat-audit@mail.ru



Ўзбекистон Республикаси
Андижон вилояти
МЧЖ шаклидаги «Marhamat-Audit»
аудиторлик ташкilotи
170100, Андижон шаҳар, Навоий шох кўча,
8-уй
Тел: 223-49-46, 223-48-96,
+99891 613-10-59
E-mail: marhamat-audit@mail.ru

ДТ «Халкбанки» Андижон шаҳар X\p: 20208000703946280001 МФО: 00649 СТИР: 202 639 344

Салбий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «Marhamat-Audit» аудиторлик ташкilotи Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Давлат хизматлари маркази томонидан 03.06.2001 йилда реестрдаги 512 рақам билан рўйхатга олинган. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 2 апрел куни берилган 00759-сонли лицензияси асосида фаолият кўрсатади. Ташкilot хисоб рақами 20208000703946280001 ДТ «Халкбанки» Андижон шаҳар бўлимида очилган. МФО 00649, СТИР: 202639344. Манзили: Андижон шаҳар Навоий шох кўчаси 8-уй.

Мен, Маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги «Marhamat-audit» аудиторлик ташкilotи директори, аудитор Курбонова Эркиной (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 29 октябрдаги 05425-сонли малака сертификати) **“Жаҳон савдо комплекси” АЖнинг**

- «Бухгалтерия баланси»
- «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот»
- «Пул оқимлари тўғрисидаги хисобот»
- «Ўз сармояси тўғрисидаги хисобот»лардан иборат 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботининг ишончилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ молиявий хисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкilotининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий хисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **“Жаҳон савдо комплекси” АЖнинг** илова қилинган молиявий хисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий хисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий хисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети хисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий хисоботнинг ишончилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.

Бизнинг фикримизча, махсус қисмда қайд этилган салбий фикр билдириш учун асос бўладиган вазиятлар натижасида, бизда аудиторлик ташкilotи фикрини ифодалаш учун асосларни таъминловчи етарлича аудиторлик далиллари мавжуд.

Салбий фикр билдириш учун асос

Хўжалик юритувчи субъект томонидан бош китоб юртилмаган, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 7-8- моддалари талаблари бузилган, асосий воситалар ҳисоби юритилишида 0130-“Бинолар” ҳисобига 60 900.3 минг сўмлик асосий воситалар асосиз кириш қилинган ҳамда ушбу асосий воситага эскириш харажатлари ҳисобланмаган. Шунингдек инвестициялар ҳисобида 5002.0 минг сўм қолдиқ акс эттирилган, лекин ушбу киритилган инвестиция бўйича ҳеч қандай маълумот мавжуд эмас. Жамиятда товар моддий қийматликларни кириш қилишда ҳамда ҳисобдан чиқаришда ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган, жумладан жами 8 306.0 минг сўмлик хўжалик товарлари жамият ҳисобига кириш қилиниб, тўлиғича давр харажатлари олиб борилиб, асосиз ҳисобдан чиқарилган. Шунингдек жамиятга кириш қилинган жами 32 000.0 минг сўмлик мебель жиҳозлари ва хўжалик товарларига ҳисобдан чиқариш далолатномалари расмийлаштирмасдан давр харажатлари ҳисобига ҳисобдан чиқарилган.

2018 йил давомида корпоратив пластик картага 34 650.2 минг сўм дизель ёқилғиси учун деб пул маблағи ўтказилган, лекин олинган ва сарфланган дизель ёқилғисини миқдори ва суммаси акс эттирилган ҳисоботлар тузилмаган. Корпоратив пластик карта орқали харид қилинган дизель ёқилғисини қаердан, қайси нархда ва қанча миқдорда сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатлар мавжуд эмас.

Жамиятда касса китоби ҳамда ишончномаларни бериш дафтари юритилмаган.

Шунингдек жамият ходимлари томонидан амалга оширилган 5 192.0 минг сўмлик хизмат сафари харажатлари иш хақи бўйича дебитор қарздорлиги билан сингштирилган ҳамда йил якуни бўйича жамият даромадлари ва харажатларини акс эттирилишида бир қатор хатоликларга йўл қўйилган. Натижада молиявий ҳисоботларда соф фойдани нотўғри акс эттирилишига сабаб бўлган, бу эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳисобланади ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келади.

Салбий фикр

Бизнинг фикримизча салбий фикр билдириш учун асос бўладиган қайд этилган вазиятларнинг муҳимлиги натижасида “Жаҳон савдо комплекси” АЖнинг 2018 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирмайди.

Аудиторлик ташкилоти
директори, аудитор:



“30” сентябр 2020 йил

Э.Курбонова